

ISSN:3060-4567 Modern education and development
EMU UNIVERSITY ТАЛАБАЛАРИ ОРАСИДА ФАСТФУДНИ
ҚАНЧАЛИК КҮП ИСТЕМОЛ ҚИЛИНИШИ ВА УНИИНГ
ЗАРАРЛАРИ

***Ибадова М. У., Камилова Ж. Э. EMU UNIVERSITY,
“Мутахассислик фанлар” кафедраси, Тошкент,
Ўзбекистон***

Долзарбилиги: Ёшлар, ҳатто катталаrimизнинг бундай таомларга ўрганиб қолгани кеча ё бугунги ҳодиса эмас, анча йиллардан бери, айниқса, талаба ёшларимиз гамбургер, хотдог сингари енгил таомлар билан нафсини қондириб кетаверади. Аммо саломатликка таъсири, организмга каттароқ фойдасио, келтираётган зарари тўзида дурустроқ ўйлаб кўриши майди.

Тадқиқот мақсади: EMU University талабалари уртасида фастфудни кўп истемол қилинини ва уни заарлигини тарзиб етни

Материаллар ва тадқиқот усуллари

Сўров EMU university 1,2 ва 3 курс “Даволаш” ва “Стоматология” факультети талабалари билан олиб борилди. Ишлаб чиқилган маҳсус сўровномада фастфутни қанчалик кўп истемол қилиши ва унинг заарли хусусиятларига оид саволлар берилди. Ба 200 та сўровнома таҳлил қилинди.

Мухокама

Сўровда 200 нафар талаба иштирок етди, шундан 100 (50%) нафари қиз, 100(50%) нафари ўғил болалар. Барча иштирокчилар 18-25 ёшда. Сўровда 85 нафар (42,5%) талаба кунига 1 марта, 78 нафар(39%) талаба ҳафтада 2-3 марта, 17 нафар(8,5%) ҳафтада 1 марта, 20 нафари(10%) еса умуман истемол қилмаслиги хақида аниқладик. Тадқиқотларимиз давомида кўпчилик талабалар ўқища тушлик вақтини камлиги учун истемол қилишини аниқладик. Фастфутни кўп истемол қилиш оқибатида

талабалардан 3 нафари(15%) ёшига нисбатан семириб кетган. Ба 20 нафари (10%) тўғри овқатланиш қоидаларига амал килишади. Иштирокчиларнинг кўплари кўп истемол қилиш заарлигини, бунинг оқибатида кўпгина касалликлар келиб чиқишини билишади.

Хуроса

Кейинги йилларда мактаблар, коллежлар ва олий ўқув юртларида, уларга яқин жойларда, шаҳарларнинг ёшлар гавжум жойларида, истироҳат боғларида гамбургер, хотдокхоналар ҳаддан ташқари кўпайди.

Айниқса, хотдог енгил таомлар орасида кенг тарқалгани, уни талаба ёшлар, ўқувчилар кўп истеъмол қиласидилар. Гўё қисқа вақтда қорин тўйғазиш учун қулайга ўхшайди. Аммо зарари ҳақида кам ўйлайдилар. Уларга арzon бўлса, тез ейилса, вақт кетмаса бас. Аммо бу вақтда саломатликнинг бир қисми кетаётганидан хабарлари йўқ!

Хўш, нега кейинги вақтда бу таомлар ҳақида салбий фикрлар кўпайиб кетди? Нега ёшларимизни ундан қайтаришга ҳаракат кескинлашди, у ҳақиқатан, заарлими? Нимаси заарли?

Бизнингча, уни яратган одамлар, ёшларга енгиллик ва қулайлик туғдириш учунгина эмас, ўз бизнесларини йўлга қўйиш ва кучайтириш, катта даромадга эга бўлиш учун яратганлар! Демак, ёшлар ўз саломатлдикларини емириш ҳисобига бошқаларнинг чўнтагини қаппайтирмоқдалар. Ёшлар ундан ўзларини тийишлари зарур, ҳатто шарт!.

Иккинчидан, kun.uz сайтида бетилишича шу йилнинг 22-августида Самарқандда хотдогдан 49 киши захарланди. Бу озми? Йўқ! Кўп! Агар бу яхши таом бўлганда бирор киши ҳам захарланмасди. Бу фактнинг ўзи ёшлар ўзларини тийишлари учун етарли деб ўйлаймиз!

Учинчидан, унинг зарари туфайли бир неча ўн нафар вояга етмаган болалар касалхонага ётқизилди. Энди бу ҳақда ота-оналдар ҳам чукур мулоҳаза билан ўйлаб кўришларига тўғри келади.

Тўртинчидан, унинг таркибида углеводлар кўплиги учун тез ва ортиқча семириш касаллиги пайдо бўлади. Бу овқатни тез истеъмол қилинади ва бу хазм органларига зиён келтиради.

Бешинчидан, уларда туз миқдори қўплиги учун организмда шиш, буйрак муаммолари, гастрит ва коллик касалликлари тез пайдо бўлади. Бу эса ҳар қандай, айниқса, ёш ўсиб келаётган организм учун заарали!Х

Олтнчидан, уни қўпигнча, очик, машина ва одамлар қатнови қўп жойларда тайёрланади, унга турли инфекциялар, чанг ёпишади, заарланиш эҳтимоли кучлироқ. Шунинг учун уни истеъмол қилишдан тийилиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Бизнингча, бу ҳақда санитария-эпидимология станцияси, соғлиқни сақлаш идоралари жар солишлари, ёшлар саломатлигига келаётган хавфдан ҳаммани огохлантиришлари керак!

Ёшларнинг балоғатга етмаганларнинг саломатлигини асраш, уларнинг соғлом ҳаёт кечиришларини таъминлаш учун фастфуд таомларини тайёрлаш ва жамоат жойларида сотишни камайтириш ва ёшларга камроқ истемол қилиш тўғрисда тарғибот ишларини олиб бориш керак.

Ёшлар учун ишлайдиган кафе, ошхоналарда тайёрланадиган енгил таомларнинг сифатини ва таркибини мутахассислар томонидан текширилган ва улар ижобий баҳо берганларидан сўнг сотувга қўйиш лозим.

Бундай таомларни тайёрлайдиган ошхона ва кафе ходимларининг ёшлар саломатлиги олдидағи жавобгарлигини ошириш зарур!